

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"Gidromaxsusqurilish" AJ

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	"Gidromaxsusqurilish" aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	"Gidromaxsusqurilish" AJ
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	г. Ташкент, Шайхантахурский район, улица Навои, 22
	Почтовый адрес:	г. Ташкент, Шайхантахурский район, улица Навои, 22
	Адрес электронной почты:	info@gidross.uz (mailto:info@gidross.uz)
	Официальный веб-сайт:	www.gidross.uz (https://www.gidross.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	заседания наблюдательного совета
	Дата проведения собрания:	22.08.2025

Дата составления протокола собрания:	22.08.2025	
Место проведения собрания:	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1а	
Кворум собрания:	100,00	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	Жамият томонидан қўшимча акциялар чиқариш.	100,0	5	0	0	0	0
2	Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.	100,0	5	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
---	---

1. “ВХМ EXPERT” МЧЖнинг 2025 йил 12 августдаги баҳолаш ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. 2. Жамиятнинг умумий қиймати 322 870 592 сўмлик номинал қиймати 1 384 сўм бўлган 233 288 дона қўшимча оддий акциялари чиқарилсин. Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар ёпиқ обуна усулида қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 60 кун ичида жамият акциядори “Ўзбекгидроэнерго” АЖга биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди битимни рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади. Бунда овоз берувчи акция эгалари акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: - Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. - Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисидаги билдириш ушбу акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 2 иш куни ичида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар берилади; - Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кунни ташкил этади; - Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга тақдим этиш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак; Жамият акциядорлари имтиёзли олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби куйидаги формулага асосан аниқланади: $A/1\ 320\ 800 = B$; $233\ 288 \cdot B = C$; Бунда: $1\ 320\ 800$ – жамият устав капиталидаги оддий акциялар сони; $233\ 288$ – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони; A – акциядорнинг жамият устав капиталидаги оддий акциялари сони; B – жамият устав капиталидаги жами оддий акцияларга мутаносиб равишда оддий акциялар сони; C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинган акциялар сони. Қолдиқ ҳосил бўлган холларда, қолдиқ сон 5 (беш) га тенг ва ундан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади; - Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди; - Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар мазкур қарорда белгиланган тартибда жойлаштирилади; - Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Қўшимча чиқарилаётган акциялар, шу жумладан имтиёзли ҳуқуқ бўйича 43 989,0 сўмдан жойлаштирилади. - ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов миллий валютада нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш орқали амалга оширилади. Имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар томонидан ушбу чиқарилишдаги акцияларга тўлов жамиятнинг банк ҳисоб рақамига миллий валютада нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли орқали амалга оширилади. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ва/ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида қайтарилади.

2	1. Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Жамият бош директори (К.Рузиев) зиммасига қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
---	--

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	И.Исамиддинов
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Д.Алламуротова
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	К.Курбоналиева

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (<https://gidross.uz/uz/for-shareholders-uzb/material-facts-uzb>)

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/12992>

Дата: 04.09.2026